



# Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

2012-yil, 26-iyul. Payshanba 89 (31.521) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Бошланғич ташкилот — асосий таянч!



Муродбек ЭИЕ олган сурат.

### ФУҚАРОЛАРНИНГ СИЁСИЙ-ХУҚУҚИЙ БИЛИМИНИ ОШИРИШДА

қуйи бўғин фаоллиги муҳим аҳамиятга эга

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗХДПНИНГ 10 МИНГДАН ОРТИҚ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА.

Улар орасида ишни тўғри ташкил этиб, партия аъзоларининг сиёсий-хуқуқий билимини ошириш, партия дастурий мақсад ва гоёларини одамлар орасида кенг тарғиб қилиш, ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатаётган қуйи бўғинлар кўпчилигини ташкил этади. Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 1-сон болалар клиник шифохонаси қошидаги бошланғич ташкилот ана шулардан биридир.

(Давоми 2-бетда.)

Муносабат

### ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРАҚҚИЁТИДА

яна бир муҳим қадам

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизни барқарор ривожлантириш ва модернизациялашда илм-фан тараққиётига устувор йўналиш сифатида қаралиб, бу борада беқиёс ислохотлар амалга оширилди. Қисқа вақт орасида ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган узлуксиз таълимнинг яхлит тизими яратилди.

лар тайёрлашга бўлган талабни кескин оширади ва бу ўз самарасини беради албатта. Олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказишда Олий аттестация комиссияси ишини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, Фармонда мазкур ташкилотнинг фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлаб, ортиқча бюрократик

Республикада олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам ислохотлар босқичма-босқич, тадрижий равишда амалиётга жорий этилди. Олий таълимнинг жаҳон стандартларига жавоб берадиган икки босқичли тизими — бакалаврият ва магистратура яратилди. Сўнги йилларда олий малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилди ҳамда шакланган стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институтларининг моддий таъминоти мустаҳкамланди.



Мукимжон КОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Куни кеча матбуотда эълон қилинган «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармон энг аввало бу борадаги ислохотларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши билан қимматлидир.

Бу ҳам мамлакатимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларга кўрсатилаётган гамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир.

жараёнларни йўқотиш, янги талабларни ҳисобга олган ҳолда унинг тузилмасини оптималлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур Фармонда диссертация тадқиқотлари мавзуларини танқидий қайта кўриб чиқиш вазифаси ҳам белгиланган. Бу ҳолат энг аввало докторлик диссертацияларининг давлат илмий-техник дастурлари, фан ва техниканинг устувор йўналишларида мослиги, муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммоларни танлаш ва уларнинг ечимини топишга қаратилган.

Олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлашнинг бир босқичли тизими илмий-тадқиқотчиларнинг шахси, ижодий қобилиятларига ҳам жиддий талабларни қўйиши аниқ. Докторлик диссертацияси устида ишлаётган магистр фундаментал тадқиқотларни юксак савияда олиб бора олиши, муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммоларни ҳал қилишга қобилияти бўлиши лозим.

Илмий даражалар беришнинг бир босқичли тизими магистратура мутахассислиги базаси остига қурилишини эътиборга оlish, магистрлар тайёрлаш жараёнининг моддий-техник базаси, давлат таълим стандарти, илмий-педагогик ва илмий-тадқиқот ишлар мазмунини такомиллаштириш заруратини юзга келтиради. Бу эса Фармоннинг бош гоёларидан бири сифатида эътироф этилган.

Бундан ташқари, унда «бакалавр» ёки «магистр» илмий даражасига ва 3 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга, илмий изланишларга лаёқати мавжуд, илмий-технологик ишланмаларда қатнашаётган, илмий мақолалар чоп эттирган шахсларга ҳам докторлик диссертацияси ҳимоя қилишга руҳсат берилиши кўрсатиб ўтилган.

Фармонда илмий даража ва унвонлар бериш тартибини жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқиш вазифаси белгилаб берилгани олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадр-

ган, муқобил, рақобатбардор илмий муҳитни шакллантиришга, республикамизнинг таълим соҳасини янада мукамал ривожлантиришда улғун мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Абдуғаффор ҚИРГИЗБОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, тарих фанлари доктори, профессор.

Давра суҳбати

### СОҒЛОМ БОЛА — МУСТАҲКАМ ОИЛА ТАЯНЧИ

мавзусига бағишланган мулоқотда шифокор, олим, ички ишлар ходими, маҳалла фаоллари, ўқитувчилар, маънавият ва спорт соҳаси мутахассислари иштирок этишди. Давра суҳбатини газетамиз Бош муҳаррири олиб борди

3-бет

«Олимпиада — 2012»



### ЛОНДОНДАГИ ОЛИМПИА ШАҲАРЧАСИДА ЎЗБЕКISTON БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ

ЛОНДОН. (ЎЗА махсус муҳбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ хабар қилади).

XXX ЁЗГИ ОЛИМПИА ЎЙИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН КЕЛГАН ЎЗБЕКISTON СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БУЮК БРИТАНИЯНИНГ ЛОНДОН ШАҲРИДАГИ ОЛИМПИА ШАҲАРЧАСИГА ЖОЙЛАШДИ.

4

«O'zbekiston ovozi» сайтида ўқинг

**O'zbekiston ovozi**  
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA  
Shu aziz VATAN — barchamizniki!

1918-YIL 21-IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

Bosh sahifa | Tahririyat | Ruknlar | Taklif va mulohazalar

2012-YIL MUSTAHKAM OILA YILI

24.07.2012

**Jam'arib boriladigan pensiya ta'minoti**

2012-yil 1-yanvar holatiga ko'ra, mamlakatimizda 7 million, Farg'ona viloyati bo'yicha esa 700 ming nafardan ziyod fuqaro jam'arib boriladigan pensiya oluvchilar ro'yxatiga kiritilgan.

Oxirgi sonda | Ko'p o'qilgan maqolalar | Dolzarb mavzu

Парламентда:

### ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИНГ ЯНГИ ШАКЛИ

www.uzbekistonovozi.uz

Истиқлол имкониятлари

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА САҲОВАТЛИ ЗАМИНИМИЗ ҚАЗИЛМА БОЙЛИКЛАРИНИ ЎЗИМИЗ ТАСАРРУФ ҚИЛИШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ХОМАШЁНИ ТАЙЁР МАҲСУЛОТГА АЙЛАНТИРИБ СОТИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛДИК.

### «OLTIN YO'L GTL» — САЛОҲИЯТИМИЗ НАМОЙИШИ

Бугун ер ости ва ер усти бойликларимиз Ватанимиз равнақи, эл-юрт фаровонлиги учун хизмат қилаёпти. Ана шу бойликларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича жаҳоннинг энг илгор технологиялари жорий қилинаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Жанубий Африка Республикасининг энергетика ва кимё бўйича «Сасол» компанияси, Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси ҳамда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ҳамкорлигида амалга оширилган лойиҳа бунинг яна бир ёрқин мисолидир. Евроосиёда ягона бўлган бу заводда мамлакатимизнинг бой газ ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб

чиқариш имконини берувчи энг замонавий инновацион технологиялар жорий этилиши ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Дарҳақиқат, Қашқадарё заминиде бунёд этиладиган мазкур корхона Ўзбекистон энергетика секторини ривожлантириш ва мамлакатимизда энг илгор технологияларни қўллаш борасидаги салоҳиятимизнинг муҳим намоёишидир. Ушбу корхонанинг ишга туширилиши билан мамлакатимиз, жумладан, вилоятимиз аҳолиси учун янги имкониятлар эшиги очилиши билан бирга ёшларимиз учун минглаб қўшимча иш ўринлари яратилади. Бу эса, шубҳасиз халқимиз турмуш даражасининг юксалишига, юртимиз фаровонлигининг оши-

шига беқиёс ижобий таъсир кўрсатади.

Лойиҳа амалга оширилган, вилоятимизда табиий газдан режалаштирилган номинал ишлаб чиқариш қуввати кунига 38 минг баррел, яъни йилга 1,5 миллион тонна миқдоридеги «GTL» — синтетик суюқ ёнилғи ишлаб чиқарилади. Бу кўрсаткич республикамизнинг ушбу муҳим ёнилғига бўлган талабни қондиришда, ҳаттоки, табиий газни экспорт қилиш салоҳиятини оширишда катта аҳамият касб этади.

**Эсонбой РАҲАБОВ,**  
Қашқадарё вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси, ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзоси.

# ЎзЛиДеПчасига «ХОЛИСЛИК»

ЯҚИНДА МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ. ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА МУҲИМ СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ, БАРЧА СОҲАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ШАКЛЛАНТИРИЛИБ, БУНДА ЖАҲОНДАГИ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ҲАМ ЭНГ ЯХШИ ТАЖРИБАЛАРИ ИНОБАТГА ОЛИНДИ. МАМЛАКАТИМИЗДА, ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР РИВОЖЛАНГАН САРИ, УШБУ СОҲАЛАРНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўналишида, ушбу соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Тадбиркорликнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш зарурати «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгилан берилган бўлиб, унда, ушбу соҳани тартибга солувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва ундаги муносабатларни тартибга солишда халқимизнинг тарихий анъаналари ва кўникмаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилган эди.

Оилавий қонуннинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ушбу соҳанинг янада ривожланишига туртки бўлди. Унда оилавий бизнес иштирокчилари мақоми, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг аниқ белгиланиши оилавий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва уларнинг ривожланиши, янги иш жойларининг ташкил этилиши, фуқароларнинг турмуш фаровонлигини ошириш билан бирга оилавий бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Янги қонуннинг ижтимоий ҳиҷатлари ЎзХДП томонидан оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, бу орқали маҳалаларда аёллар, ёшлар, жисмоний имконияти чекланган шахслар учун янги барқарор иш ўринларини яратиш борасида ўз олдига қўйилаётган вазифаларга мутаносибдир. Бу мавзуга партияимиз томонидан катта эътибор қаратилиб, бу йўналишдаги ишлар, партияимизнинг барча бўғинларида олиб борилмоқда. Шу боисдан партияимиз ушбу қонун лойиҳасининг муҳокамасида ҳам фаол иштирок этди.

Бироқ 19 июль куни «XXI аср» газетасида «Баҳс-мунозаралар асосли бўлсин» номли мақола эълон қилинди. Мақола муаллифи Қаҳрамон Сайдалиев ЎзЛиДеП фракцияси фаолиятини ЎзХДП фракцияси фаолияти билан таққослаб, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини юзасидан олиб борилган ишлар ҳақида баҳс юритган. Жумладан, ҳуқуқат ташаббуси билан киритилган қонун лойиҳасини муҳокама этиш жараёнида гўёки ЎзЛиДеП фракцияси томонидан қонун лойиҳасининг мўқобил варианты киритилганлиги ҳақида алоҳида таъкидланган. Қонунчилик жараёнида узоқ бўлган журналистнинг фикрича, ЎзХДП фракциясининг қонун лойиҳаси устида ишлашга қўшган ҳиссасини фақат қонун лойиҳасига овоз бериш чоғида қўллаб-қувватлашдан гина иборат бўлиб, қонун лойиҳасини такомилга етказишда бирорта ҳам аниқ тақлиф киритмаганлиги баён этилган. Сиёсий рақибларимизнинг айбга нисбатан шу тараздаги қатъий айбловига ҳолис жавоб беришга қарор қилдик.

Муаллиф мақоласи аниқ далилларга асосланмаган бўлиб, кўпроқ ҳис туйғуларга берилганлиги шундоқкина кўзга ташланади. Бинобарин, муаллиф ўз ёндашувида қонун лойиҳаси устида ишлаш жараёнида бевоқифа иштирок этганлардан бирортасининг ҳам фикр-мулоҳазалари берилмаган. Шу боисдан ҳам биз ўзгаларнинг хатоларини такрорламай, бир неча манбага мурожаат қилиб, вазиятга ойдинлик киритиш ва мақоли жавобларни олишга қарор қилдик.

**Ботир Боқиевич Алимухамедов, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳининг ҳукумат томонидан тайинланган раҳбари:**

— 2011 йилда Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси барча сиёсий партия фракцияларида ҳамда экоҳаракат депутатлик гуруҳида бевоқифа фаол муҳокама этилди.

Қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича, хусусан, оилавий тадбиркорлик тушунчасини, оилавий қорхона иштирокчиларининг, оилавий қорхона таъсис шартномасининг мазмуни ва оилавий қорхона устав фондони шакллантириш, оилавий қорхона мулки, оилавий қорхона иштирокчилари, ундаги ёлланма ишчиларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳимоясини белгилаш бўйича Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аниқ тақлифлар тақдим этди.

**Анвар Абдуғафорович Бойқулов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси раиси ўринбосари:**

— Қонуннинг қабул қилинишига оилавий тадбиркорлик фаолияти турли ташкилий-ҳуқуқий шакллarda, жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорлик, хусусий қорхона ёки масъулияти чекланган жамият шаклларида амалга оширилган. Бироқ бундай шакллarda яқка тартибдаги тадбиркорнинг, хусусий қорхона эгаси ёки МЧЖ раҳбарининг иродаси ва ҳаракатлари юридик аҳамиятга эга. Гарчи бу шакллarda тадбиркорлик фаолияти оиланинг бошқа аъзоларининг фаол иштирокида амалга оширилса-да, бироқ уларнинг иродаси, ҳаракатлари, манфаатлари ё ҳисобга олинмайди, ё бўлмаса иш берувчи ва ишчининг мақоми тенг бўлмаган меҳнат муносабатларига сингиб кетади. Оилавий тадбиркорликда оиланинг алоҳида ижтимоий тузилма сифатидаги шакли ҳам ўзига ҳок тарзда намоён бўлади. Унда оила аъзолари иштирокидаги ўзаро муносабатлар шаклланади, бунда ҳам оилавий бизнес раҳбари, ҳам оила ягона бирликдек мавжуд бўлади. Шу боисдан фаолиятнинг бу турини ривожлантириш учун қонунчилик асосини қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга. Қонун лойиҳаси устида ишлаш жараёнида нафақат экспертларнинг фикрлари балки бу соҳанинг бевоқифа иштирокчилари ва партияимиз электорати вакилларининг тақлиф-мулоҳазалари Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари томонидан қабул қилинди ва қонунда ўз аксини топди.

## Партиялараро баҳс

Шу боисдан «Баҳс-мунозаралар асосли бўлсин» номли мақолани ҳамкасбларим билан бирга ўқиб чиқиб хайрон қолдик. Мақолада, муаллиф ЎзЛиДеП фракцияси ушбу қонун лойиҳасига ўзининг мўқобил қонун лойиҳасини киритган, деган даъвои келтирган. Масъулиятни ҳис этган ҳолда айтиш мумкинки, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг ҳеч қандай мўқобил қонун лойиҳаси ЎзЛиДеП фракцияси томонидан киритилмаган.

Боз устига, ҳаттоки Қонунчилик палатасида ўз партияси фикрини билдириши лозим бўлган ЎзЛиДеП фракцияси номидан масъул кўмитага расмий тақлифлар ҳам берилмади. Ҳолис бўлиш учун шунга таъкидламоқчиманки, қонун лойиҳасини тайёрлашда ушбу партиянинг алоҳида депутатлари ўз тақлифларини яқка тартибда киритдилар. Бироқ яна қайтариб айтманки, айнан ЎзЛиДеП фракцияси позицияси тақдим этилмади.

**Комила Зайдуллаева Каромова, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Фракцияимизда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасига тақлифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи тузилиб, бу гуруҳ қонун лойиҳасини кўриб чиқишда келиб тушаётган барча тақлифларни таҳлил қилди. Бунда партияимиз электорати манфаатлари ва ЎзХДП Сайловолди дастури ҳисобга олинди.

Қонун лойиҳасининг биринчи ўқишда муҳокама қилишга фракция қонун лойиҳаси концепциясини маъқуллади. Уни иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида биз Марказий Кенгаш апаратидан экспертлик гуруҳларини фаол жалб этдик. Бир қатор аниқ тақлифлар ишлаб чиқилди.

Масалан, фракцияимиз аъзолари томонидан Қонуннинг «Оилавий тадбиркорлик» деб номланган 3-моддасига, «Оилавий қорхона иштирокчилари» деб номланган 5-моддасига, шунингдек, фракцияимиз томонидан «Оилавий қорхона раҳбари» деб номланган 6-моддага, «Оилавий қорхона иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган 14-моддага, «Оилавий қорхона фаолиятини амалга ошириш шартлари» деб номланган 17-моддага ва қонун лойиҳасининг бошқа моддаларига ҳам муҳим тузатишлар киритилди.

Қонун лойиҳаси устида фаол иш олиб борар эканимиз, ўз тақлифларимиз орқали оила мулкни, унинг иштирокчиларини ҳамда оилавий қорхонани ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосини яратиш зарур деб ҳисобладик ва мақсадимизга эришдик. ЎзХДП фракцияси томонидан умумий ҳисобда 50 га яқин асосланган тақлиф тайёрланиб, масъул кўмитага тақдим этилди ва ҳужжатда акс эттирилди.

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун кучга киргандан сўнг фракция топшириғига биноан, депутатларимиз жойлардаги турли тадбирларда фаол иштирок этиб, янги қонуннинг мазмун-моҳиятини партияимиз электорати вакиллари ўртасида кенг тушунириб бордилар.

*Фракциялараро баҳс-мунозаралар доирасида, жумладан, ушбу мақола юзасидан ЎзЛиДеП фракциясидан масъул кўмитага аъзо бўлган депутатларнинг фикрини билсак, мамнун бўлардик. Бу — қонун ижодкорлиги фаолиятини йироқ бўлган ва «Баҳс-мунозаралар асосли бўлсин» деган масъулиятли мавзуда мақола тайёрлаб, ҳаттоки ҳолис маълумотлар йиғишни лозим кўрмаган журналистнинг мақоласига муносабат билдиргандан кўра фўдалироқ бўларди.*

**Ўзбекистон ХДП МК Матбуот хизмати**

## Муносабат

# МОЛИЯ ВА СТАТИСТИКА ҲИСОБОТЛАРИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА СОДАДАШТИРИШ

**ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилашга хизмат қилади**

«Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш бўйича»ги Фармон хусусий тадбиркорлик ва бизнес субъектлари фаолияти учун янада кўпроқ эркинлик беради. Бу Фармон энг аввало, Бозор иқтисодиёти таллабларига, халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ, бюрократик говларни бартараф этиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштиришга хизмат қилиши билан ҳам қимматлидир.

Бундан ташқари, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини тубдан такомиллаштириш ҳисобига ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароит яратишда мазкур Фармоннинг аҳамияти беқиёс.

Ортиқча қоғозбозлик, ҳисоботларнинг меъёридан кўплиги ўз ишини ташкил қилмоқчи бўлган ишбилармонларга турли ноқулайликлар туғдиради,

уларнинг вақтини ўғирлайди, саломатлигига путур етказди. Фармоннинг кучга кириши эса шу каби ҳолатларни олдини олишга хизмат қилади. Шу билан бирга, унда бизнес субъектларини рўйхатга олиш, улар фаолияти учун лицензия ва рухсатномалар бериш тартибига ҳам ўзгаришлар киритилганлиги билан янги иш бошлаш ниятида юрган тадбиркорлар учун жуда катта имконият ва қулайликлар яратди.

Таъкидлаш жоизки, Фармонга давлат статистик, молия, солиқ ҳисоботлари ҳамда бошқа ҳисобот турларини бекор қилиш ва бир-бирини такрорловчи шакллари бираштириш эвазига ана шундай ҳисоботлар миқдорини, шунингдек, уларни тақдим этиш даврийлигини белгиланган муддатларда қисқартириш борасидаги тақлифларнинг киритилиши биз иқтисодчилар учун ҳисоботларни топширишда энгиллик беради. Айни вақтда ўз ишимизга янада масъулият билан ёндашишга ундайди.

**Бахтиёр ТОШМУРОДОВ, иқтисодчи, ЎзХДП фаоли, Нуробод тумани.**

# ДАЛИЛЛАРНИ МЕНСИМАСЛИК

## АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН

ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ҲУЗУРИДАГИ ҚУРИЛИШ ВА АРХИТЕКТУРА АГЕНТЛИГИ РАҲБАРНИНГ ЎРИНБОСАРИ НУРАЛИ САИДОВ 2012 ЙИЛ 16 ИЮЛЬ КУНИ БЎЛИШ ЎТГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИДА ШУ ЙИЛ 12 ИЮЛДА «ПРАВДА ВОСТОКА» ГАЗЕТАСИДА ЧОП ЭТИЛГАН МАҚОЛАДА КЎТАРИЛГАН РОҒУН ГЭСИ ҚУРИЛИШИ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ИЗОҲ БЕРДИ.

Н.Саидов матбуот анжумани қатнашчиларини Роғун ГЭСи майдонида «фақат қайта тиклаш ишлари олиб борилаётгани ва ҳеч қандай янги объектлар қурилмаётганига ишонтиришга жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Лекин қанчалик уринмасин, унинг баёноти Тожикистон томонидан мазкур ГЭС қурилиши лойиҳаси мустақил халқаро эксперт тизадан ўтмаганига Роғун ГЭСи қурилишига йўл қўймаслик борасида ўз зиммасига олган мажбуриятларни кўпол равишда бузаятгани ҳақида халқаро ҳамжамият ташвишга тушаётгани асосли эканини яна бир бор тасдиқлади.

Хусусан, тожикистонлик мазкур мансабдор шахс Вахш дарёсини тўсишга тайёрлаш борасидаги қурилиш ишлари жадал суръатда олиб борилаётганини тан олишга мажбур бўлди. У «иккита сув ташлайдиган туннелни тўлиқ ва сифатли қуриб битказишимиз керак. Ҳозир туннел деворларини қайта цементлаш ишлари олиб борилмоқда», деб очиқчасига баёнот берди.

Шу билан бирга, машина ва трансформатор заллари ичида асосий қурилиш ишлари ниҳоясига етиш арафасида экани таъкидланди. «Биз аввало, бу ишларни сифатли яқунлашимиз, шундан сўнггина Вахш дарёси узанини тўсишга киришишимиз лозим», — деди Н.Саидов. Унинг айтишича, «Роғун ГЭСининг икки агрегати учун деврли барча зарур ускуналар тайёрлангани ва олиб келиб қўйилган». Шу билан бирга, у «айни пайтда Роғун ГЭСи қурилиши майдонида саккиз минг нафардан ортиқ қурувчи, жумладан, чет эллик қурувчи-лар ишлаётганини маълум қилди.

Тожикистон Молия вазирлигининг 2012 йил 19 июлда берган баёноти ҳам Роғун ГЭСи комплекси қурилиши жадал суръатда давом эттирилаётганини тасдиқлайди. Ушбу баёнотда «Роғун ГЭСи лойиҳасини бюджетдан молиялаштириш бўйича 2012 йил учун 210 миллион АҚШ долларига тенг маблағ ажрати-

лиши кўзда тутилган ва бу жараён тўхтатилмайди», деб қайд этилган.

Тожикистон томони ўзини Жаҳон банкига берган баланлардан ваъдалари ва мажбуриятларининг гўёки, унга алоқаси йўқдек ҳис қилаётгани ҳамда бугунги кунда Жаҳон банки томонидан 20 миллион доллар миқдоринда «лутфан» тақдим этилган пул эвазига ўтказилаётган халқаро экспертларнинг қутилаётган натижаларини уни асло жоловлай олмаслигини исботлаш учун яна қандай далиллар керак?

**Шу ўринда ҳақли савол туғилди: агар Жаҳон банкининг халқаро экспертга натижалари бўйича Роғун ГЭСи қурилиши танланган мазкур майдонда улкан тўғон қурилишига йўл қўйиб бўлмаслиги, негаки унинг пойдевори 100 метр қалинлиқдаги туз қатламида жойлашгани ва у ерда Рихтер шкаласи бўйича 9-10 балли зилзилалар тез-тез рўй бериб, тоғ жамияти қўчиб туриши ҳақида ҳулосага келинса, Тожикистон ҳукумати қандай аҳволда қолади?**

Иккинчидан. Балки юқорида зикр этилган «мустақил» экспертзани ўтказишдан мақсад қурувчилар ва бюртмачиларнинг жорий фаолиятини ниқоблаш, халқаро ташкилотлар ва жамоатчилик ҳушёрлигини су-сайтириш ҳамда пировардида, уларни ушбу объект қурилишини ортга қайтариб бўлмаслигига ишонтиришдан иборатдир?

Ўзбекистон Тожикистон томони халқаро ташкилотлар, институтлар ва тадқиқот ташкилотларини бу таразда чалғитишга ури-нишлар гоят аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида яна бир бор огоҳлантиради.

Қонунчилик палатасида ўз партияси фикрини билдириши лозим бўлган ЎзЛиДеП фракцияси номидан масъул кўмитага расмий тақлифлар ҳам берилмади. Ҳолис бўлиш учун шунга таъкидламоқчиманки, қонун лойиҳасини тайёрлашда ушбу партиянинг алоҳида депутатлари ўз тақлифларини яқка тартибда киритдилар. Бироқ яна қайтариб айтманки, айнан ЎзЛиДеП фракцияси позицияси тақдим этилмади.



## Бошланғич ташкилот — асосий таянч!

# Фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишда

**қуйи бўғин фаоллиги муҳим аҳамиятга эга**

— Ҳозирги кунда бошланғич ташкилотимиз 30 нафардан зиёд партия аъзосини бирлаштирган, — дейди **шифохона бош шифокори, бошланғич ташкилот етакчиси Мавлуда Табибова.** — Энг аввало уларнинг сиёсий билимларини, юксалтиришга эътибор қаратаймиз. Чунки ёшларни ўйлантираётган масалаларга депутатлик диққатини қаратиш, муаммоларга ижобий ечим топишда уларга

қўмак бериш, партия аъзолари сиёсий-ҳуқуқий билимини мунтазам ошириб бориш бошланғич ташкилотларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ҳар ҳафтада ташкилотимизнинг йиғилиши бўлиб ўтади. Унда, аввало, ишлар таҳлил қилиниб, унинг қўламинини янада кенгайтириш, таърибот-ташвиқот ишларини кучайтириш борасида навбатдаги вазифалар келишиб олинади.

Яқинда бошланғич ташкилотимизда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг бажа-

рилишида партия ташкилотларининг ўрни» мавзусида тадбир ташкил этдик. Унда сиёсий-саноатчилар, партия фаоллари ҳамда шифохонамизда даволанаётган электротар вакиллари иштирок этди. Тадбирда юртимизда сиёсий партияларнинг ўрни, ЎзХДПнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ишлари, жумладан, ўз ечимини кутаётган долзарб масалалар борасида фикр алмашилди.

— ЎзХДПга яқинда аъзо

бўлдим, — дейди **Дилафрўз Умарова.** — Боиси, партиянинг мақсад ва вазифалари, гоёлари билан танишиб, дунёқарашимга тўла мос келишини англадим. Айниқса, мазкур сиёсий партиянинг жисмоний имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги қарашлари менда чуқур таассурот қолдирди.

Ҳозир ҳамширалик касбимни чуқурроқ ўзлаштириш билан бирга, ўзимнинг сиёсий билимларимни кенгайтириш-

га, партияимиз гоёларини тарғибот-ташвиқот қилиш ишларида фаол қатнашишга ҳаракат қиламан.

— Шифохонамиз 400 нафардан ортиқ жисмоний имконияти чекланган болалар саломатлигини тиклашга мўлжалланган, — дейди **бошланғич партия ташкилоти аъзоси Мухлиса Нодирова.** — Уларни соғайиб, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишлари учун бу ерда барча шароит яратилган. Туман партия кенгаши билан ҳамкорликда турли хайрия тадбирларини уюштириш аянаҳага айланган. Ушбу тадбирларни ташкил этишда бошланғич ташкилотимиз аъзолари фаол иштирок этапти.

Таърибадан маълумки, БПТ партиянинг пойдевори, асосий таянчи ҳисобланади. Шу боис у қанча мустаҳкам бўлса, партиянинг жамиятдаги таъсир кучи шунча юқори бўлади.

**Нурали ОРИПОВ**

**ОИЛАНИНГ МУСТАҲКАМЛИГИ ЖУДА КЎП ОМИЛЛАРГА БОҒЛИҚ. УЛАРДАН БИРИ, ЭХТИМОЛ ЭНГ АСОСИЙСИ СОҒЛОМ ФАРЗАНДЛАРНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДИР. ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАН ЕТУК ФАРЗАНДЛАР ОИЛАНИНГ КЎРКИ, БАХТИ, СУЛОЛАНИНГ МУНОСИБ ДАВОМЧИСИ. ФАРЗАНДИ НОГИРОН ТУФИЛГАН ЁКИ ВОЯГА ЕТИШ ДАВРИДА ГИЁХВАНДЛИК, ИЧКИЛИКБОЗЛИК КАБИ ИЛЛАТЛАРГА РУЖУ ҚЎЙГАН, ЖИНОЯТ КЎЧАСИГА КИРИБ ҚОЛГАН ОИЛАНИ МУСТАҲКАМ, БАХТЛИ ОИЛА ДЕБ БЎЛМАЙДИ.**



Муборак АЗИЗОВА



Хайрулла ХИКМАТОВ



Озода АБДУАЗИЗОВА



Музаффар БОЗОРБЕОВ



Эркин КАРИМОВ



Зиёда ГАФУРОВА



Мунаввара ЁКУБЕКОВА



Курбонгул БОБОЖОНОВА

# СОҒЛОМ БОЛА — МУСТАҲКАМ ОИЛА ТАЯНЧИ

**Мунаввара ЁКУБЕКОВА, Республика «Оила» илмий-амалий маркази мутахассиси, филология фанлари доктори:**

«Оила» маркази Президентимиз ташаббуси билан 1998 йилда ташкил этилган. Мана, ўн тўрт йилдан буён она ва бола саломатлигига оид илмий тадқиқотлар, сўровномалар ўтказиб келинмоқда. Боланинг ҳар томонлама соғлом бўлиши аввало онанинг маънан етуқлигига боғлиқ.

Соғлом бола тарбияси она қорнидан бошланиши керак. Онага берилган эътибор ва ғамхўрлик болага албатта ўз таъсирини кўрсатади. Бу борада ҳам махсус рисоалар тайёрлади. Бундан ташқари, «Алла» маданий-маърифий марказини ташкил этдик. «Тиб қонунлари»да фарзандни соғлом вояга етказишда унга аввало икки нарса қўлламоқ керак дейилади: биринчиси, аста-секин болани тебратиш, иккинчиси, майин куй ва қўшиқ айтиш. Бу икки омил болани ҳам жисмонан, ҳам маънан вояга етказишда жуда катта аҳамият эга.

Марказимиз томонидан оналар ўртасида сўров ўтказилганда, боланинг соғлом туғилишига ҳалал берадиган касалликларни улар қай даражада билишини синаб кўрдик. Шундай сўровларни қиларимиз ўртасида ҳам ўтказдик. Бу эса уларда тиббий маданиятни юксалтириш кераклигини кўрсатди. Олинган жавобларга асосан тегишли хулосаларимизни Соғлиқни сақлаш вазирлигига, маҳалла мутасаддиларига тақдим этдик.

**Курбонгул БОБОЖОНОВА, Яққасарой туманидаги 58-оилавий поликлиника бўлим mudiri:**

Соғлом бола туғилиши ва уни соғлом қилиб вояга етказишда оила шифокорининг ўрни жуда катта. Ҳар бир врачнинг ўзига бириктирилган оилалари бўлиб, у шу оилаларнинг бир бўлаги, бир азоси ҳисобланади. Унинг биринчи вазифаси даволаш эмас, профилактика ишларини олиб боришдан иборат.

«Оила» маркази мутахассиси фарзанд соғлом туғилиши учун она қорнидалигидаёқ унга эътибор қаратиш керак, деб айтиб ўтди. Аслида, оила шифокори ҳали она ҳомиладор бўлмагандан анча аввал зарур таъсирлар бериши керак. Ота-онанинг саломатлигини жиддий назорат қилиши, ёш онанинг ҳомиладорликка тайёр ёки тайёр эмаслигини аниқлаши шарт.

Кўп нарса тиббий маданиятга боғлиқ. Баъзи оилалардаги ёш оналар ўз соғлиғи ҳақида қайғуришмайди. Текширувларга ўз вақтида келмайди. Аниқланган касалликларга даво олиши кераклигини жуда кўп уқтиришимизга, уйига бориб яқинларига тақор ва яна тақор тушуниришимизга тўғри келган вазиятлар кўп бўлади.

Шу ўринда яна бир гап. Тиббий текширувлардан ўз вақтида ўтмаслик жуда хунук оқибатларга олиб келиши ҳаётда кўп кузатилган. Инсон соғлиғида шубҳали ҳолатлар бўлиши мумкин. Шундай касалликлар борки, уни даволамасдан туриб, соғлом бола дунёга келтириб бўлмайди.

**Озода АБДУАЗИЗОВА, Шайхонтоҳур туман ФХДЭ бўлими mudiri:**

— Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда қабул қилинган қарори би-

лан никоҳланувчи шахсларнинг тиббий текширувдан ўтказиш ҳақида Низом тасдиқланган. Унга кўра, икки ёш ФХДЭ органига никоҳдан ўтиш учун мурожаат этганида, уларга тиббий текширувдан ўтиш учун йўланма берилади. Бу йўланма асосида улар туман поликлиникаларига асосан бешта касалликнинг бор-йўқлигини аниқлаш учун юборилади. Булар: сил, захм, ОИТС, нарколептик ва руҳий касалликлар. Чунки улар наслдан-наслга ўтадиган оғир касалликлар ҳисобланади. Агар туманимиз миқёсидаги статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак, 2011 йилда 566 та никоҳ қайд этилган.

2003 йилдан ФХДЭ органлари қошида «Ёш оила» ўқув марказлари очилган. 2009 йилдан эса маъмур ўқув марказлари томонидан мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, битирувчилари ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бормоқда. Уларга турли соҳа мутахассисларини таклиф қилиб, оила қуриш борасида ҳар томонлама маълумот, тавсиялар бериб боришга алоҳида эътибор қаратамиз.

**Музаффар БОЗОРБЕОВ, Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси инспектори, капитан:**

— Ҳозир замон шиддат билан ўзгариб бораётган, болалар тарбияси, руҳиятига таъсир этадиган воқеа-ҳодисалар кўпайиб рўй бераётган бир пайтда ота-оналар фарзандлари тарбиясига ниҳоятда эҳтиёт бўлишлари лозим. Болада озгина салбий ўзгариш сезилгани, дарҳол бунинг сабабини ўрганиш керак. Бундай ҳолатларда мунтазам суҳбатлашиб туриши, керак бўлса малакали психологлар кўмағидан фойдаланиши яхши самара беради. Бизнинг назоратимизда турган тарбияси оғир болаларга шундай тажрибани қўллашимиз. Улар билан психолог иштирокида тез-тез суҳбат уюштириб, яхши томонга ўзгарган ёки йўқлигини таҳлил қилиб боришимиз.

Боланинг маънавияти бузилишига, кўп ҳолларда ота-онанинг оилада бир-бирига ёмон муносабати сабаб бўлади. Баъзан эса мактабда болалар тарбиясига салбий таъсир этадиган нарсаларга бефарқ қараймиз. Масалан, ҳозир қайси мактабда борманг, ўқувчининг қўлида уяли телефон. Сумкасидаги китоблар орасидан соат, пул, уяли телефон чиқади. Тўғри, ота-она назорат қилиш учун фарзандига уяли телефон олиб беради. Бунинг учун оддий уяли телефон кифоя-ку. Ёки ўқитувчисига телефон қилиб, фарзанднинг дарсга қай даражада қатнаётганини билса ҳам бўлади-ку. Кўп ҳолларда ёш бола қўлидаги қимматбаҳо уяли телефондан турли мақсадларда фойдаланади. Бора-бора унинг тарбияси бузилади. Ота-она учун муаммо пайдо бўлади. Оилага ташвиш ортади...

Бундан ташқари, баъзи ота-оналар ўйлаб ўтирмай боласига меърийдан ортиқ пул беради. Пулни нимага ишлатгани ҳақида умуман сўрашмайди. Ҳозирги кунда интернет клублар кўпайган. Бундан болаларимиз тўғри фойдаланишлари, фанларга доир янгиланган хабардор бўлишлари керак. Лекин кузатишлар шунини кўрсатмоқдаки, улар асосан ўйин ва жангари кинолар кўриш билан банд.

Шу боис болаларни ўз ҳолига

ташлаб қўймай, уларнинг бўш вақтини фойдали машғуллар билан тўлдириб керак. Айниқса, спортга, санъатга уларни жалб қилиш фойда беради.

**Муборак АЗИЗОВА, Олмазор туманидаги 298-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими:**

— Бугунги давра суҳбатига кўпгина фикрларни эшитиб, таҳлил қилиб ўтирибман. Шу ўринда иш тажрибамдан мисол келтириб ўтмоқчиман. Ҳаммага яхши маълумки, бола 6-7 ёшдан мактабга келади. Бу даврда боланинг онги, мафқураси яхши ривожланмаган бўлади. Боланинг қалби худди оқ қоғозга ўхшайди. Унга сиз қандай сурат чизсангиз, қандай бўёқлар берсангиз шуни дарров олади. Болани яхшиликка ўргатиш учун аввало унга ўрнак бўлиш керак.

Тажрибамда шўх болаларга кўп дуч келганман. Лекин ота-онасига уларни ёмонламаганман. Болани ўзимга яқин олиб, синфда тартибни сақлаш борасида масъулиятини унга юклайман. Уларни мактаб, яхши томонларини кўпайтириб, ширин сўзлар билан ёмон одатларини ташлашини ўқитишга ҳаракат қилганман.

Болага қаттиқ гапириб, танбеҳ бериш керак эмас. Уларга яхши гапириб, ишонч билдирилса, кўпроқ самара беради.

**Хайрулла ХИКМАТОВ, Олмазор тумани «Ачаобод» маҳалла фуқаролари йиғини раиси:**

— Бола ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етишида маҳалланинг роли ҳам жуда катта. Чунки оила маҳаллада бўлгани учун унинг ҳар қандай муаммолари маҳаллада ҳал бўлади. Бизнинг маҳаллада оилавий поликлиника бор. Шу оилавий поликлиника шифокорларига маҳаллаларни бўлиб берганимиз. Шифокорлар ёш келинларни то фарзанд кўриб, уни вояга етказгунча назоратга олади. Бунда шифокорлардан ташқари маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларимиз бу жараёнларда фаол иштирок этишади. Ҳар биримиз хонадонларга кириб муаммоларни ўрганишимиз. Масалан, худудимиздаги жами 598 хонадондан 30-35 та оилада тез-тез муаммолар чиқиб туради. Уларда асосан эр-хотин жанжали, ичкиликбозлик, фарзандлар тарбиясига эътиборсизлик каби муаммолар учрайди. Лекин уларнинг асосий муаммоси фойдали иш билан банд бўлишмагани. Биз бундай оилалар билан жуда қаттиқ, иш олиб борамиз. Маҳалла фаоллари, милиция ходимлари билан уларни иш билан банд қилиш чорасини кўрашимиз. Ишга жойлашиб, яхши даромад кўргунларича маҳалладан моддий ёрдам ажратамиз.

Бугунги кунда маҳаллаимизда Ёшлар ижодиёт марказида ва

**Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки,соғлом бола мустаҳкам оила таянчи, мустаҳкам оила эса жамиятнинг, давлатнинг таянчидир. Шу боис бу мавзудаги суҳбатимизни давом эттирамиз. Сиз азиз газетхонлардан эса фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.**

«Ўзбекистон овози» мухбирлари  
Асрор МҮМИН, Абдусалим МАҲМУДОВ ёзиб олди.

## Давра суҳбати

## Солиқ тизимида

# ЁШЛАР: «СОЛИҚ ҲАҚИДА НИМАНИ БИЛАСИЗ?»

СЎНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИНИНГ СОЛИҚ ТИЗИМИГА ОИД ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, БУ БОРАДАГИ БИЛИМ ВА ТАСАВВУРЛАРИНИ БОЙИТИШ ОРҚАЛИ ЖАМИЯТДА АҲОЛИНИНГ СОЛИҚ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ВА СОЛИҚЛАРНИ ИХТИЁРИЙ ТЎЛАШГА БЎЛГАН ИЖОБИЙ МУНОСАБАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Шу мақсадда Сурхондарё вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейларнинг ўқувчи ёшлари ўртасида ўтказилаётган турли кўрик-танловлар, шунингдек, мутахассислар иштирокидаги очик дарслар ёш авлоднинг солиқ қонунчилиги юзасидан батафсил маълумотлар олишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Термиз шаҳридан 150 километр узоқликда жойлашган Олтинсой туманидаги «Вахшивор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида тарбияланаётган ўқувчи ёшлар иштирокида «Солиқ ҳақида сиз нимани би-

ласиз?» викторина ўйини ўтказилди. Оромгоҳда ҳордиқ чикараётган болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг солиқлар ҳақидаги билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган бу тадбирда болалар фаол қатнашди. Жумладан, викторина шартига кўра, иштирокчилар солиқ тизимидаги билимларини тасвирий санъат, шеърят ҳамда савол-жавоб ва турли сахна кўринишлари орқали намойиш этишди. Тадбир сўнггида номинаторлар бўйича голиблар вилоят давлат солиқ бошқармасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Илём РАҲМАТОВ,  
Сурхондарё вилоят ДСБ ахборот хизмати бошлиғи.



## Хориж

## ЯНГИ ТАРТИБ

эҳтиёткорликни талаб этади

**ПЕКИН ПОЛИЦИЯСИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДАН КЕЛИБ ИШЛАЁТГАН ФУҚАРОЛАР ҲУҶЖАТЛАРИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН РЕЙДЛАР ЎТКАЗИШНИ БОШЛАДИ.**

Бундан ташқари, «Шошилич тармок» ташкил этилдики, шубҳали кўринган муҳожир ҳақида ҳар бир хитойлик дарҳол шу тармок орқали полицияга хабар етказиши даркор. Мақсад нолегал хорижий ишчи кучи кўпайишига қарши курашни кучайтиришдир, дейилади «Мир новостей» газетасида чоп этилган хабарда.



Эндилкида Пекинда ишлаётган хорижий фуқаролар доимо ёнларида паспорт ва шаҳарда истиқомат қилиш учун берилган расмий ружхатномани олиб юришлари шарт.

Маълумотларга қараганда, шу кунларда Пекинда 120 минг хорижий фуқаро истиқомат қилади.

## КИР ЮВИШ КУКУНИ

зарарсизми ёки?..

**УЙ БЕКАЛАРИ КИР ЮВИШ ВОСИТАСИ — «ПОРОШОК»-СИЗ КИР ЮВИШНИ ТАСАВВУР ҚИЛИШОЛМАСА КЕРАК. ДАРҲАҚИҚАТ, КИР ЮВИШ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТУРЛИ-ТУМАНЛАРИ БУГҮН БОЗОРЛАРДА БИСЁР. ФАҚАТ УЛАРНИНГ ЗАРАРИ БОРМИ-ЙЎҚМИ, БУ ҲАҚДА ЎЙЛАБ ЎТИРМАЙМИЗ. НЕГАКИ, БАРЧАСИ ОДАНГА ЁҚАДИГАН ҲИД ТАРАТИШ БИЛАН БИРГА ҲАР ҚАНДАЙ КИЙИМДАГИ ДОҒЛАРНИ БИР ЗУМДА КЕТКАЗАДИ.**

Бунинг устига кир ювиш воситаси қанчалик кўп ва тез кўпикланса, хурсанд бўлишимиз — сифатли экан, деб.

Ваҳоланки, айнан уларда кимёвий фаол моддалар миқдори кўп бўлади. Бундай моддаларнинг миқдори қанча кўп бўлса, кийимдаги кирлар шунча тез тозаланади. Аммо мутахассисларнинг айтишларича, бундай моддалар организм учун ўта зарарлидир. Ёшни улар организмга сўрилиб, ундаги биокимёвий жараёни бузди, натижада модда алмашинуви бузилади, тирик ҳужайралар ўлади.



Кир ювиш воситаларининг энг хавфлилари манфий зарарланган кимёвий фаол моддалар кўшилган содалардир. Улардан фойдаланиш организмда иммунитет пасайиши, бош миёда бузгунчи реакция юз беришини келтириб чиқаради ва аллергияни ривожлантиради. Бундан ташқари, буйрак, жигар ва ўпка фаолияти салбий таъсир этади. Шу боис ҳам Европа мамлакатлари ва Америкада бундай кир ювиш воситаларидан фойдаланиш тақиқланган.

Шунингдек, фосфатли қўшимчалари бор содалардан ҳам Европада фойдаланилмайди. Фосфатли қўшимчалари бор кир ювиш кукунлари токсик қуватга эгадир. Унинг оддийгина қўл орқали организмга сингиши шунчалар тез ва осонки, у

конгача етиб бориши мумкин ва ўз салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда экологик тоза кир ювиш воситалари ҳам бор. Уларга турли ранглар, ароматизаторлар, кўпиклантирувчи воситалар ва бошқа синтетик моддалар қўшилган. Тўғри, улар яхши кўпикланмаслиги ёки яхши ҳид таратмаслиги мумкин. Кўпик кир ювишда ҳеч қандай роль ўйнамайди. Биз эса шунча қанчалик кўпикланса, кир шунча тоза бўлади, деб ўйлаймиз. Ваҳоланки, кўпикнинг кўплиги унда кимёвий фаол воситаларнинг бисёрлигидан далолат.

Экологик тоза содага озгина озиқ-овқат содаси қўшиб юборилса, у сувни юмшатади ва тоза хид бағишлайди. Агар ёрқин рангдаги кийимларни ювадиган бўлсангиз, сувга жуда кам миқдорда сирка қўшсангиз у рангларни ўчиб кетишдан сақлайди.

Дарвоқе, Европа Иттифоқи хавфсиз ҳисобланган глицирин қўшилган кукундан фойдаланишни йўлга қўйган.



# ҚУЁШИ БОТМАЙДИГАН ЮРТ

...КУН БЎЙИ ТАНДИРДЕК ҚИЗИГАН ШАХАР КЕЧГА БОРИБ БИР ОЗ ҲОВУРИДАН ТУШДИ. ЕНГИЛГИНА ҚЎЗГАЛГАН ШАБАДА СЕКИН-АСТА ТАНИИ ЯЙРАТАДИ. БЕПАРВО БОЛАКАЙДАЙ СТОЛ УСТИДАГИ ҚОҒОЗЛАРНИ СОЧИБ ЎЙНАЁТГАН ШАМОЛНИ ШАХТИДАН ТУШИРИШ УЧУН ДЕРАЗАНИ ЁПАМАН. ВАҚТ АЛЛАМАҲАЛ БЎЛГАНИГА ҚАРАМАЙ, ТАРКИ ОДАТ АМРИ МАҲОЛ, УЙГА КЕТАР ОЛДИ ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИДАН ХАБАРДОР БЎЛИШ НИЯТИДА ЯНА ИНТЕРНЕТНИ ОЧАМАН. АФСУСКИ, КЎНГЛИМ ЗИМИСТОНГА АЙЛАНДИ. ИРИМИГА БЎЛСА-ДА, КАЙФИЯТНИ КЎТАРАДИГАН БИРОРТА ХУШХАБАР ҚИДИРАМАН, ЛЕКИН...



Дунёнинг қайсидир бурчида кечаётган қонли тўқнашувлар оқибатида бевақт хазон бўлаётган бегуно инсонлар, таназулга юз тутаяётган иқтисодиёт, вайронга айланган шаҳарлар ҳақидаги хабарлар юракка тошдек ботади. Қонга беланган онасининг жасади тепасида мунғайиб ўтирган гўдак нигоҳидаги оғриққа чидаш қийин.

Ғарқ бўлган кемалар, ҳалокатга учраган поездлар, ерларчин бўлган самолётлар, минг-минг гектарлаб ўрмонларни ўз домига тортаётган ёнғин, йилудга учраган нарсани писта пўчоғидек ўйнатиб, қанчадан-қанча одамларни бошанасиз қолдираётган сув тошқинлари, молиявий иқтисодий инқироз туфайли банкрот бўлган корхоналар, ишсиз қолган кимсаларнинг таҳликали намойишлари...

Компьютерни ўчирган, қоронғилдан ёруғликка базур сугурилиб чиққан одамдек бир лаҳза қарат бўлиб ўтираман.

Сўнгра балқонга чиқаман. Кўксимни тўлдириб салқин хаводан симираман. Кўнглимдаги ғашлик арий бошлайди. Рангин чироқлар оғушидаги муаззам пойтахтимиз марказидаги улугвор биноларнинг тунги салобати, тароватига қараб шукроналик келтираман. Тошкент телемунорасининг чироқлари митти тудулар каби порлаб туриди. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ёшлар ижод саройи, бектор тарихи билан ҳар қандай кишини лол қолдирадиган «Матрица» маркази...

Чап томонда эса... чап томонда гуё қуёш ботмагандек. Мустақиллик майдонининг рамзий дарвозаси — Эзгулик аркаси тепасида чарх ураётган турналар, рангин фавворалар шуъласида ажиб товланаётган лайлақлар бу муқаддас остонани босиб ўтаётган ҳар бир юртошимиз қалбига хотиржамлик, эртанги кунга ишонч бахш этаётгандек. Толлим-толлим фавворалар остида у ёқдан бу ёққа югураётган болажонларнинг шодон кийкириқлари уларнинг нағмаю навозишларига қўшилиб кетаётгандек. Саф торган чироқлар Мустақиллик монументи, унинг олдидаги Бахтиёр она сиймосига ажайиб улугворлик бағишлайди.

Она — осойишталик, тинчлик, хотиржамлик, меҳр-муҳаббат, вафодароқат, умид ва ишонч рамзи. Фарзандини бағрига босган Бахтиёр она чехрасидаги табассум юртимиздаги тинчликдан, турмушимиздаги фаровонликдан, осмонимиз мусаффолиги, тунларимиз осуда, кунларимиз фарахбахшликдан, фарзандларимиз соғлом ва баркамол — эртаимиз ёруғлигидан нишондир.

Президентимизнинг 2012 йил 19 июнь куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йилги бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ишлар изчиллик ва тизимли равишда амалга ошириляётгани, жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлар ва фуқаролар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳити тобора мустаҳкамланиб, бу борада фуқаролик жамияти институтлари, ўзини ўзи бошқариш идоралари, жумладан, маҳаллаларнинг роли ва таъсири кучайиб бораётгани таъкидлаб ўтилган. «**Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!**» деган эзгу ғоя замирида ҳам ана шу мақсад ва гоғлар мужассам. Зеро, тинчлик бўлмаган жойда на бахт, на эркинлик ва на ободлик бор.

Шу хаёлар билан кўчага чиқаман. Таниш, дилтортар мусиқа Алишер Навоий номидаги катта театр майдонига — ўша машҳур фаввора ёнига чорлайди. Вақт анча кеч бўлганига қарамай майдон жуда гавжум. Гуё бутун шаҳар тўпланган — ҳамма шу ерда. Чоғроқ телескопдан юлдузларни қузатаётган катта-

лар, гилдиракли конькиларда «учаётган» қизчалар, велосипедларда мусобақа ўйнаётган болалар... Каттаю кичик, аёлу эркак — ҳамманинг юзида байрамлардагидек қувонч, масрурлик ва мамнулик!

Кўз тегмасин! — Бу ерга тез-тез келиб тураман, — дейди ўзини чилонзорлик Акбар Қурбонов деб таништираган йигит. — Фарзандларимизнинг каттаси оромгоҳда. Болаларимизга бу майдон жуда ёқди. Ота-она учун фарзанднинг қувончини кўришдан ортиқ бахт борми? Вақтнинг ўтишини қаранг. Соатга ҳам қарама-миз. Лекин хавотирланадиган жойимиз йўқ. Юртимиз тинч, шахримиз осойишта. Қоронғу тушмасдан эшик-деразасини тамбалаб, кўчага чиқишга юраги бетламайдиган одамлар яшайдиган мамлакатлар камми?! Шукурки, фарзандларимизнинг ҳам, ўзимизнинг ҳам эртаимиздан кўнглимиз хотиржам.

— Тошкентга меҳмон бўлиб келганми, — дейди Самарқанд вилояти Қўшработ туманидан келган Абдумўмин ака Алиқулов. — Қасбим қурувчи. Вилоятимизда, туманимизда бунёд этилган кўплаб замонавий коллежлар, мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари қурилишида иштирок этганман. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёд-

корлик ишларида озгина бўлса-да, ҳиссам борлигидан фахрланаман. Иш юзасидан Тошкентга тез-тез келиб тураман. Ҳар гал, қурувчи сифатида мени хайратга соладиган, янги бир био қад ростлаганини кўриб, кўнглим яйрайди. Шаҳарсозлик маданияти, архитектура ва ландшафт дизайни йўналишида кўлга киритаётган ютуқларимиз билан ҳақли равишда фахрланасан арзийди.

Тошкент кундузи қанчалик гўзал бўлса, тунда ҳам шунчалар тароватли. Айниқса, одамларнинг юз-кўзидаги қувонч, шодумонлик, турмушдан, ҳаётдан мамнулик ҳисси пойтахтимизга, унинг руҳига ўзгача хусн бағишлайди.

Дунёда гўзал шаҳарлар, уларнинг майдонлари, майдонларнинг рангин, мусиқий фавворалари кўп. Аммо уларнинг бирортаси Тошкентдек осойишта, Алишер Навоий номидаги катта театр майдонидек жозибали бўлмас керак. Бу гапни шунчаки, йўлига айтмадим.

Дунёда гўзал шаҳарлар, уларнинг майдонлари, майдонларнинг рангин, мусиқий фавворалари кўп. Аммо уларнинг бирортаси Тошкентдек осойишта, Алишер Навоий номидаги катта театр майдонидек жозибали бўлмас керак. Бу гапни шунчаки, йўлига айтмадим.

Воҳид ЛУҚМОН,  
ЎЗА шарҳловчиси

## «Олимпиада — 2012»

### ЛОНДОНДАГИ ОЛИМПИА ШАҲАРЧАСИДА ЎЗБЕКISTON БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ



Умумий майдони қарийб 40 гектарни эгаллаган Олимпия шаҳарчасида 2818 био қад ростлаган. Олимпиадага келган 205 мамлакатнинг спорт делегациялари шу ерда яшайди. Олимпия шаҳарчасида туну кун ишлайдиган овқатланмиш худуди, банклар, банкوماتлар, кафелар, гўзаллик ва саломатлик марказлари, замонавий тренажёр хоналари, кўнглинор марказлар мусобақа иштирокчилари хизматида.

Олимпия шаҳарчасининг маданий марказига айланган, расмий, маданий, тантанали

(Давоми. Боши 1-бетда.)

бир халқнинг мустақиллиги, тинчлиги ва буюк келажаги тинчлидир. Биз, спортчилар учун давлатимиз байроғи кўчурлат, жасорат, ғалаба рамзидир. Шу боис муқаддас байроғимизни доимо бандан тўтиш учун курашамиз. Халқаро майдондаги ғалабаларимиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграганида қалбимиз фахр-ифтихорга тўлади. Буларнинг барчаси мустақиллик туфайли эканини қайта-қайта юракдан ҳис этамиз. Зеро, бу галги Олимпиада истиқлолимизнинг 21 йиллиги арафасида ўтмоқда.

XXX ёзги Олимпия ўйинларида дунёнинг энг сара спортчилари ўттиздан ортиқ спорт тури бўйича 302 медаллар жамланмаси учун куч синашди. Лондон Олимпиадасининг мураккаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган 54 нафар ҳамюртимиз спортнинг ўн етти тури — бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, трampoline, велоспорт, сузиш, енгил атлетика, оғир атлетика, байдарка ва каное-да эшак эшиш, бокс, дзюдо, таэквондо, эркин ва юнон-рум кураши, ўқ отиш, қиличбошлик ва теннис бўйича беллашувларда ғалабаларга илҳомланганми, — дейди бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев. — Давлат рамзлари ҳар

тадбирлар, кўрғазма ва шоулар ўтказиладиган махсус худудда иштирокчи мамлакатлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янграб, давлат байроғи кўтарилди.

— Олимпия ўйинлари бошланиши арафасида ташкил этилган бундай ҳаяжонли маросим барчамизни спорт оламининг энг нуфузли мусобақасида муносиб иштирок этиб, Президентимиз ва халқимизнинг ишончини оқлашга ундайди, беллашувларда ғалабаларга илҳомланганми, — дейди бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев. — Давлат рамзлари ҳар

мамлакат чемпиони, уч карра Ўзбекистон кубоғи соҳиб бўлдим. Марказий Осиё биринчилигида голиб чиқдим. Бу ютуқларимиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ қўрилди. Тошкент давлат жисмоний тарбия институтига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиндим.

«Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хотин-қизлар спортининг ривожланиши» мавзусида илмий ишнинг бошламоқчиман. Чунки хотин-қизларни спортга жалб этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ютуқларимиз билан бир қаторда, ечимини кутаётган муаммолар ҳам учрайди. Илмий ишим ана шунга бағишланади. Мавжуд муаммоларни бартарф этсак, бизнинг қизларимиз ҳозиргидан ҳам юксакроқ марраларни забт этишларига ишонаман.

Темур АБЗАМ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири

## Тадбир



### ТЎМАРИС ВА БАРЧИНОЙ АВЛОДЛАРИ

«ОЛИМПИА ШОН-ШУҲРАТИ» МУЗЕЙИДА РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ, «ОБОД ЮРТНИНГ БАХТЛИ ҚИЗЛАРИ» НОМИ ТАДБИР ЎТКАЗДИ. УНДА СПОРТ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ БЎЛГАН ҚИЗЛАРНИНГ ЮТУҚЛАРИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ.

#### Мохинур ҚАХРАМОҒОВА:

— Навоий вилояти Зарафшон шаҳрида туғилганман. 5 ёшимда онам шохмат ўйнашни ўргатган. 7 ёшимдан Зияддин Тахмасов раҳбарлигида шуғуллана бошладим. 2007 йилда республика чемпионатида голиб бўлган, Бирлашган Араб Амирликларида ўтган Осиё чемпионатида кучли олтиликка кириб, жаҳон чемпионатида йўлланма олдим. Қозғистонда бўлган халқаро турнирда катталар ўртасида қатнашиб, голиб чиқдим. Спортда кўлга киритган ана шу ютуқларим авазига Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландим.

#### Дурдона ҚАРАБАЕВА:

— Андижон шаҳрида туғилганман. 11 ёшимдан бошлаб спортнинг карате тури билан шуғулланаман. Биринчи мураббийим Зайнобиддин Йўлдошев. Уч карра

мамлакат чемпиони, уч карра Ўзбекистон кубоғи соҳиб бўлдим. Марказий Осиё биринчилигида голиб чиқдим. Бу ютуқларимиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ қўрилди. Тошкент давлат жисмоний тарбия институтига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиндим.

«Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хотин-қизлар спортининг ривожланиши» мавзусида илмий ишнинг бошламоқчиман. Чунки хотин-қизларни спортга жалб этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ютуқларимиз билан бир қаторда, ечимини кутаётган муаммолар ҳам учрайди. Илмий ишим ана шунга бағишланади. Мавжуд муаммоларни бартарф этсак, бизнинг қизларимиз ҳозиргидан ҳам юксакроқ марраларни забт этишларига ишонаман.

Темур АБЗАМ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири

## ПАСТДАРҒОМДА ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни бошлади

Мамлакатимизнинг энг улуг, энг азиз байрами мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида республикамизнинг барча ҳудудларида янгидан барпо этилаётган замонавий иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда.

Биргина Самарқанд вилоятида ҳам кўплаб турар-жой бинолари, маданий-маиший иншоотлар бунёд этилмоқда. Яқинда Пастдарғом туманининг Жағабойли қишлоғида ҳам замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

— Эндилликда худудимизда яшовчи 16 мингдан ортиқ аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилди, — дейди қишлоқ врачлик пункти мудир Шохруҳ Шохдоров. — Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган стоматология, терапия, гинекология, педиатрия, физиотерапия, лаборатория-ташхис хоналари ҳамда кундузги даволаш бўлимида беморларга 6 нафар врач ва 38 нафар тиббий ҳамшира хизмат кўрсатади.

Абдували ХУДОЁРОВ

## ОБ-ҲАВО 26-27 — 07. 2012

### Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+19 / +24 +29 / +34

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+20 / +25 +31 / +36

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+19 / +24 +31 / +36

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+20 / +25 +33 / +38

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+19 / +24 +31 / +36

Тошкент шаҳри

+21 / +23 +34 / +36

### Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +20 / +25

Париж +18 / +22

Москва +15 / +23

Мадрид +22 / +30

Пекин +24 / +30

Гонгконг +26 / +29

Рим +21 / +28

Афина +25 / +30

Токио +25 / +29

Стокгольм +17 / +22

Кейптаун +11 / +17

Қоҳира +28 / +31

Гавана +25 / +32

Вашингтон +25 / +30

## MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

## TANHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Latif G'ULOMOV

Bobir ALIMOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihidin MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

## BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;

Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;

Jamoaatchilik bilan oloqalar va huquqliy targ'ibot — 233-12-56;

Sport va vatandorlik — 233-44-55;

Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Koriyabiyat — 233-72-83, 236-55-17.

## MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 746

10676

nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21.30

Topshirilgan vaqti — 01.20

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Asror MO'MINOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7433

1 2 3 4 5